ЎЗБЕКИСТОН БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ БЎЛДИ

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.) «Қизил байроқ» (1920—1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 45 (21. 164) 1992 йил 4 март, чоршанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

● Қарор якдиллик билан қабул қилинди

● Ўзбекистон умумбашарий қадриятлар хазинасига муносиб ҳисса қўшади

● Давлатлараро муомала маданияти шарқ тажрибаси билан бойитилади

● Юксак шараф ва ишонч

● Дунёни қайтадан кашф этяпмиз

● Ўзбекистон БМТ Низомини, халқаро меъёрларни ва давлатлараро муомала қоидаларини тан олади

● Ўзбекистоннинг ҳамда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги бошқа республикаларнинг БМТга қабул қилиниши кейинги вақтларда рўй берган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси солномасида ўчмас тарихий воқеа

БМТ, 2 март. (РАТА—ТАСС мухбири Михаил Кочетков). БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессияси ўз ишини яна бошлади. Бош Ассамблеянинг бугунги мажлисида Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул этилди. Бу қарор якдиллик билан маъқуллаш асосида овозга қўймаган ҳолда қабул қилинди.

Шундан кейин БМТ протокол бошлиғи Ўзбекистон делегациясини Бош Ассамблея залида унга ажратилган ўринларга олиб бориб жойлаштирди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири БМТда нутқ сўзлади

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдуразоқов кўрсатилган юксак шараф ва ишонч учун Ўрта Осиёдаги шу республиканинг 20 миллион халқи номидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига ва Бош Ассамблеясига миннатдорчилик билдирди. «Биз жаҳон ҳамжамиятига мустақил, ёш суверен давлат сифатида кирар эканмиз, жаҳоншумул, маҳаллий ва миллий манфаатлар қотишмасидан иборат бўлган мураккаб ва зиддиятли дунёни ўзимиз учун қайтадан кашф этяпмиз», — деди у.

Аминмизки, минг йиллик бой маданиятга эга бўлган, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқа кўпгина алломаларни дунёга етиштириб берган Ўзбекистон халқлари умумбашарий қадриятларнинг жаҳоншумул хазинасига муносиб ҳисса қўшадилар, давлатлараро муомала маданиятини шарқ тажрибаси билан бойитадилар. Турли-туман шаклларда намоён бўлиб турган умуминсоний маданиятнинг бирлиги ва хилма-хиллигини дунё барқарорлигининг, халқаро ва давлатлараро тотувликнинг гарови деб ҳисоблаймиз.

Биз БМТга аъзо бўлиб кирар эканмиз, унинг Низомини, халқаро меъёрларни ва давлатлараро муомала қоидаларини, шунингдек БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотларнинг талабларини тан олишимизни билдирамиз, деб таъкидлади Ўзбекистон ташқи ишлар вазири.

АСТОЙДИЛ МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ

Азиз дўстлар!

Қадрли ватандошлар!

Келгуси авлодларимиз 1992 йил 2 март баҳор кунини буюк тарихий кун деб аташлари шубҳасиз. Шу куни Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди ва БМТ бинoси олдида мустақил ёш суверен республиканинг давлат байроғи кўтарилди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяси бизга буюк эҳтиром ва юксак ишонч билдирди.

Бир неча кун муқаддам Президентимиз Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи актини имзолаб, шу тариқа Ўзбекистон халқининг тинчлик ва тотувлик ғояларига, сиёсий ва иқтисодий эркинликларга амал қилишга, инсон ҳуқуқларига тўла кафолат беришга азму қарор қилганини тасдиқлаган эди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кирганлиги — республиканинг тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида халқаро майдонга чиққанидан дарак берувчи воқеадир. Республика мустақиллигини юздан ортиқ давлат тан олди ва у билан ҳамкорлик қилишга, иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришга тайёр эканини изҳор қилди. Бизнинг олдимизда ҳар томонлама алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун дунё йўли кенг очилди, бу эса Ўзбекистон халқларига ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиш, яқин келажакда республикада яшаб турган барча миллат ва элатлар турмушини муносиб даражага кўтаришни таъминлаш имконини беради.

Баҳор — ҳаёт янгиланишининг рамзи, шу боисдан муқаддас Наврўз арафасида Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихида янги саҳифа очилганлиги таҳсинга сазовордир.

Баҳор — умидлар куртак ёзадиган давр, бинобарин, халқимиз республика учун ажойиб истиқболлар очган айни шу баҳордан эътиборан ўз орзу-умидларини фароғат, тинчлик, тотувлик ва дўстлик ҳукм сурган ўлкани келажак авлодлари қўлига топшириш билан боғламоқда.

Дўстлар, олис ва яқин мамлакатлардаги ватандошларимиз, сизларни Ўзбекистон ҳаётидаги тарихий воқеа билан астойдил муборакбод этамиз. Сизларга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз, Ватан равнақи йўлидаги муштарак ишимизда муваффақиятлар ёр бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЕСАТИ.

БМТнинг янги аъзоларига қутловлар

БМТ, 3 март. (РАТА—ТАСС мухбири Николай Маслов). Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул этилди. Энди мустақил давлатларнинг яқинда ташкил этилган ҳамдўстлиги барча аъзолари мана шу энг мўътабар халқаро ҳукуматлараро ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар.

Украинанинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Геннадий Удовенко миллатлар ҳамдўстлигининг янги аъзолари қабул қилиниши муносабати билан Бош Ассамблеяда Беларусь, Россия ва Украина номидан сўзга чиқиб, шуни маълум қилди.

Янги аъзолар БМТга кирар эканлар, унинг Низоми юзасидан барча мажбуриятларни қатъият билан бажаришга, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этишга тайёр эканликларини билдирдилар. Бу эса собиқ СССР ҳудудида ва бутун дунёда кейинги вақтларда рўй берган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлашга кўмаклашиши шубҳасиздир, деди Г. И. Удовенко. Улар БМТ фаолиятининг барча соҳаларига муҳим ҳисса қўшишларига аминмиз.

Бироқ бугунги муҳим воқеадан қувонар эканмиз, ноҳуш ҳолатни ҳам кўриб турибмиз. Халқаро ҳамжамиятнинг тинчлик ўрнатувчи маркази бўлмиш БМТ ташкилотнинг баъзи янги аъзолари ўртасидаги муносабатларга доғ тушириб турган можаролар ва низоларни бартараф этишга қатъийроқ кўмаклашиши лозим бўлади. Бу ўринда биз Тоғли Қорабоғ теварагида вужудга келган хатарли кескинлик манбаини назарда тутяпмиз. Беларусь, Россия ва Украина билан Озарбайжон ва Арманистон ўртасида кўпгина соҳаларда чуқур тарихий алоқалар мавжуд. Бизнинг чегараларимизга бевосита яқин жойда жанговар ҳаракатлар давом этаётганлигига, одамлар ҳалок бўлаётганлигига, инсоннинг энг оддий ҳуқуқлари бузилаётганлигига биз бепарво қарай олмаймиз. Биз ўт очиш дарҳол тўхтатилиши, барча манфаатдор томонлар иштирокида можарони бартараф қилиш учун кенг миқёсли музокаралар тезроқ бошланиши тарафдоримиз.

Нотиқ Тоғли Қорабоғ фожиасига БМТ ҳам бепарво қараб турмаслигига, Озарбайжон ва Арманистон халқлари ўртасидаги муаммоларни маърифатли ҳал этишда уларга ёрдам беришига ишонч билдирди.

ЧИН ДИЛДАН

ОРЗУ УШАЛДИ

1944 йили Москва олий фирқа мактабини битирганимдан сўнг мени дипломатия соҳасига ишга юборишди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шаклланаётган пайт эди. Собиқ Иттифоқдаги барча республикалар унга аъзо бўлиши ҳақида фикрлар бор эди. Лекин АҚШ ҳам ўзининг барча штатларини БМТга аъзо этиб киритиш тўғрисидаги шартидан сўнг Ўзбекистон ва бошқа кўпгина иттифоқчи республикаларнинг халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлиши амалга ошмай қолди.

Онгли ҳаётимнинг катта қисмини давлат ва жамоат ишларига, дипломатия ва маориф соҳасига бағишладим. Ташқи ишлар вазирининг биринчи муовини, маориф вазири вазифаларида ишладим. Олти йил давомида Того Республикаси ва Догомея (ҳозирги Бенин) Республикасида фавқулодда ва мухтор элчи бўлдим. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 7, 8, 9-сессияларида совет делегацияси аъзоси сифатида иштирок этдим. Ўнлаб маротаба катта минбардан туриб, мустақиликка эришаётган давлатларни БМТга аъзо бўлишини ёқлаб чиққанман. Лекин кўнглимнинг тубида қачон мустақил Ўзбекистоннинг байроғи БМТ аъзоси сифатида Нью-Йоркда хилпираркин деган орзу мужассам эди.

Ниҳоят, мен 40 йил кутган онлар етиб келди. Мустақил республикам жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Етмиш олти йиллик умрим давомидаги энг қувончлиси мана шу кунлардир.

Анвар ҚУЧҚОРОВ,
истеъфодаги фавқулодда ва мухтор элчи.

БЕНИҲОЯ МАМНУНМАН

Халқимизнинг узоқ кутган орзуси ушалди. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши ўзбек халқи ва унинг мустақил давлати учун, ҳаммамиз учун чинакам тарихий аҳамиятга эга.

БМТ — дунёдаги энг обрўли, нуфузи баланд халқаро ташкилотдир. Унга аъзо бўлиш жаҳон майдонига чиқиш, миллий қадр-қиммат туйғусини янада бутунроқ англаш, демакдир. Ўзбекистон эндиликда жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бўлаги деб тан олинди.

Эндиги вазифамиз БМТ аъзоси сифатида бу юксак минбардан мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, ўзимизни, ўзлигимизни дунёга танитишда оқилона фойдаланишдан иборат.

Республика фуқароларини халқаро майдондаги яна бир дадил қадам билан муборакбод этаман.

Баҳодир АБДУРАЗЗОҚОВ,
Араб мамлакатлари билан маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон уюшмаси раиси.

ФАН — ЕНГИЛМАС КУЧ

ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 3 март куни Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари Фанлар академияларининг президентлари билан учрашди.

— Мен сизлар билан Тошкентда учрашиб турганимдан ғоят хурсандман, — деди И. А. Каримов олимларга мурожаат қилиб. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини туздик. Муҳим ва мураккаб масалаларни муҳокама этмоқдамиз. Мустақил давлатлар Фанлар академияларининг фаолияти, техника тараққиёти, халқ таълими каби шу куннинг долзарб масалалари ҳам диққат-эътиборда бўлиши зарур, албатта.

— Биз ҳаммамиз, — деб сўзини давом эттирди Ўзбекистон Президенти, — фан тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Сизлар миллат ва элатларнинг бахтли келажаги учун масъулсиз.

Сўнгра у олимларнинг эътиборини Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида бўлиб ўтган воқеаларга жалб этди. Фан арбобларига Финляндияга сафари таассуротлари тўғрисида ҳам сўзлаб берди.

Ўзбекистон Президенти мустақил республикалар Фанлар академияларининг салоҳиятини сақлаб қолиш, уларнинг фан тараққиётидаги мавқеини янада кучайтириш ва бунинг учун мавжуд имкониятлардан илмий асосда фойдаланиш кераклигини айтди. У минтақадаги Фанлар академиялари раҳбарларини етук ва малакали мутахассислар тарбиялашга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти У. М. Султонгазин, Қирғизистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти И. Т. Айтматов, Туркманистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти А. Г. Бобоев, Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти С. Х. Неъматуллаев, Озарбайжон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Э. Ю. Салоев минтақада фанни ривожлантириш тўғрисида, унинг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, етук олимлар тайёрлаш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Олимлар Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этиб қабул қилинганлиги муносабати билан И. А. Каримовни қутлашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов иштирок этдилар.

(ЎзА).

Суратда: учрашув пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

• Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

ОДАМЛАР МИННАТДОР БЎЛСИН

• ХДП аъзолари ҳақида ҳикоялар

Турғунликнинг айни қизғин палласи эди. Вобкент район партия комитетининг бюро мажлисида қатнашаётган вилоят раҳбарларидан бири Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Шуҳрат Иброҳимовни ўрнидан турғазиб қўйиб роса койиди. Болохонадор гапларга чидамаган раис тегишли жавобини берди.

Райкомнинг биринчи котиби Ином ака Наимов оғир одам эмасми, ҳай-ҳайлаб иккала томонни муросага келтиришга уринди. Аммо ғишт қолипдан кўчганди. «Махмадана» раисни алмаштириш масаласи қўйилди. Харгушликларнинг эса асов табиати районда маълум. Ўрнига шу ерлик мутахассисни қўйган маъқул.

Масала обкомдаги кичик доирада муҳокама қилинганида Ином ака Шавкат Иброҳимов номзодини айтди.

— Бошқа киши қуриб кетдими, бу ахир ўша раиснинг акасику, — яна тутақиб кетди ҳалиги раҳбар.

— Райкомнинг бундан муносиброқ номзоди йўқ, — кескин жавоб берди котиб.

Вобкентликлар ўз котибларини мана шу адолатпарварлиги учун ҳурмат қилишарди. Асли жиззахлик отахон ўн етти йил район партия ташкилотига раҳбарлик қилди. Кейинчалик гдлянчилар гуруҳи уни қанчалик текширишмасин тирноғининг остидан ҳам кир топишолмади. Бундан бир йил муқаддам истеъфога чиққан отахон вафот қилганида эса бутун Вобкент оёққа турди.

Шавкат ҳаётида иккинчи хўжаликка раисликни қабул қилмоқда эди. Бундан тўрт йил муқаддам Вобкент район партия қўмитаси ўзининг идеология бўйича котибини «Янги турмуш» жамоа хўжалиги раислигига тавсия этди.

Дастлаб хўжаликни қабул қилар экан, эсанкираб қолгани рост. Касби ўқитувчи, бунинг устига жамоадаги маънавий иқлим ниҳоятда оғир. Олдинги раис чўлдаги давлат хўжалигига директор этиб тайинлангач, энг яхши кадрларни ўзи билан бирга олиб кетганди. Маҳаллий аҳолининг эса ўзига бино қўйган раҳбарни жини ёқтирмаслиги ҳаммага маълум.

Уларнинг ишончини қозониш осон бўлмади. Орадан бир неча йил ўтгачгина халқ ўз раисига тан берди. Ёмғир Ҳасанов, Раҳмат Аҳмедов сингари уста пахтакорлар унинг атрофида уюшдилар. У хўжаликни 41,5 центнерлик ўртача ҳосилдорлик билан топшириб, ўзи ўсиб-улғайган хўжаликни 1,5 миллион сўм даромад билан укасидан қабул қилди. Бу икки хўжалик турли районлар қарамоғида бўлса ҳам бир-бирига чегарадош эди.

Сирасини айтганда, Шуҳрат ўзи анча кўтарган қадрдон хўжаликни ишончли қўлларга топширганидан хурсанд эди. У Бухоро район агросаноат уюшмасида бош агрономлик вазифасига ўтди, ҳозир эса вилоятдаги нуфузли ташкилотлардан бирига раҳбарлик қиляпти.

Иброҳимовлар сулоласини ҳар гўшада билмайдиган киши йўқ. Оддий колхозчи Мўмин ака Иброҳимов ва беминнат савдо ходими Робия опа Жабборова ўн фарзандни оёққа турғазиб барчасига олий маълумот беришди. Шавкат Иброҳимов эса оиланинг тўнғич фарзанди, масъулият ҳам шунга яраша.

У ўз колхозига раис бўлиб келганида мамлакат ижтимоий-сиёсий ларзалар арафасида турганди. Хўжаликда эса ҳамма нарса маромида эди. Етти йил мобайнида ўртача даромад 1,5 миллион сўмдан 17 миллион сўмга етди. Шу туфайли қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, янги турар жойлар, маданий-маиший бинолар қад кўтарди, ишлаб чиқариш воситалари янгиланди.

Ўтган йили колхоз раиси Ш. Иброҳимов ва мактаб директори А. Ёдгоровнинг номзодлари 182-Харгўш сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутатлигига кўрсатилди. Ҳаргўшликларнинг 61 фоизи Шавкат ака учун овоз берди. Ваҳолонки, райондаги айрим манман деган раҳбарлар ҳатто вилоят Кенгаши депутатлигига ҳам ўтишолмади.

Сайловдан сўнг уни обкомга таклиф қилишди... Обкомнинг биринчи котиби уни район Кенгашининг раиси ва райкомнинг биринчи котиблигига тавсия этаётганликларини айтди.

— Бошқа киши қуриб кетдими, бу ахир ўша раиснинг акасику, — яна тутақиб кетди ҳалиги раҳбар.

— Райкомнинг бундан муносиброқ номзоди йўқ, — кескин жавоб берди котиб.

Вобкентликлар ўз котибларини мана шу адолатпарварлиги учун ҳурмат қилишарди. Асли жиззахлик отахон ўн етти йил район партия ташкилотига раҳбарлик қилди. Кейинчалик гдлянчилар гуруҳи уни қанчалик текширишмасин тирноғининг остидан ҳам кир топишолмади. Бундан бир йил муқаддам истеъфога чиққан отахон вафот қилганида эса бутун Вобкент оёққа турди.

Шавкат ҳаётида иккинчи хўжаликка раисликни қабул қилмоқда эди. Бундан тўрт йил муқаддам Вобкент район партия қўмитаси ўзининг идеология бўйича котибини «Янги турмуш» жамоа хўжалиги раислигига тавсия этди.

Дастлаб хўжаликни қабул қилар экан, эсанкираб қолгани рост. Касби ўқитувчи, бунинг устига жамоадаги маънавий иқлим ниҳоятда оғир. Олдинги раис чўлдаги давлат хўжалигига директор этиб тайинлангач, энг яхши кадрларни ўзи билан бирга олиб кетганди. Маҳаллий аҳолининг эса ўзига бино қўйган раҳбарни жини ёқтирмаслиги ҳаммага маълум.

Уларнинг ишончини қозониш осон бўлмади. Орадан бир неча йил ўтгачгина халқ ўз раисига тан берди. Ёмғир Ҳасанов, Раҳмат Аҳмедов сингари уста пахтакорлар унинг атрофида уюшдилар. У хўжаликни 41,5 центнерлик ўртача ҳосилдорлик билан топшириб, ўзи ўсиб-улғайган хўжаликни 1,5 миллион сўм даромад билан укасидан қабул қилди. Бу икки хўжалик турли районлар қарамоғида бўлса ҳам бир-бирига чегарадош эди.

Сирасини айтганда, Шуҳрат ўзи анча кўтарган қадрдон хўжаликни ишончли қўлларга топширганидан хурсанд эди. У Бухоро район агросаноат уюшмасида бош агрономлик вазифасига ўтди, ҳозир эса вилоятдаги нуфузли ташкилотлардан бирига раҳбарлик қиляпти.

Иброҳимовлар сулоласини ҳар гўшада билмайдиган киши йўқ. Оддий колхозчи Мўмин ака Иброҳимов ва беминнат савдо ходими Робия опа Жабборова ўн фарзандни оёққа турғазиб барчасига олий маълумот беришди. Шавкат Иброҳимов эса оиланинг тўнғич фарзанди, масъулият ҳам шунга яраша.

У ўз колхозига раис бўлиб келганида мамлакат ижтимоий-сиёсий ларзалар арафасида турганди. Хўжаликда эса ҳамма нарса маромида эди. Етти йил мобайнида ўртача даромад 1,5 миллион сўмдан 17 миллион сўмга етди. Шу туфайли қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, янги турар жойлар, маданий-маиший бинолар қад кўтарди, ишлаб чиқариш воситалари янгиланди.

Ўтган йили колхоз раиси Ш. Иброҳимов ва мактаб директори А. Ёдгоровнинг номзодлари 182-Харгўш сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутатлигига кўрсатилди. Ҳаргўшликларнинг 61 фоизи Шавкат ака учун овоз берди. Ваҳолонки, райондаги айрим манман деган раҳбарлар ҳатто вилоят Кенгаши депутатлигига ҳам ўтишолмади.

Сайловдан сўнг уни обкомга таклиф қилишди... Обкомнинг биринчи котиби уни район Кенгашининг раиси ва райкомнинг биринчи котиблигига тавсия этаётганликларини айтди.

Дўст бор, душман бор. Шавкатнинг эса феъл-атвори укасидан ошиб тушади. Районнинг баъзи баобрў раҳбарлари билан сан-манга боргани ҳам рост. Шуларни инобатга олиб, эътироз билдирмоқчи эди, Дамир Солиҳович бир оғиз сўз билан тўхтатиб қўйди.

Сайловдан кейин районда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келди. Ҳаммасини изга солиб юбориш учун шу ерлик омилкор раҳбар керак эди. Ёдгоров эса анчадан буён унинг фаолиятини зимдан кузатарди.

Шавкат ака янги лавозимдаги фаолиятини шаҳар қабристонини зиёрат қилишдан бошлади. «Пулимусича» исми жисмига монанд ғарибона жой экан. Бирон раҳбарнинг оёғи бу ерга етмаганга ўхшайди. Уни таъмир этиш учун катта маблағ ажратилди, ободончилик ишлари қизиб кетди. Ишни қабристонни обод қилишдан бошлаган кишига ҳамла қилиш қийин эканлигини тушунган мухолифлар тил тишлаб қолишди. Ободончилик ишлари эса кўп ўтмай шаҳарга кўчди.

Кейинги икки йил мобайнида катта йўлнинг ёқасида хўжаликларнинг маблағи эвазига ажойиб савдо расталари, кинотеатр, стадион, боғ, концерт майдончалари барпо қилинди. Эндиликда маданий-маиший марказ Вобкент шаҳрининг энг гавжум жойи. Бу ердаги биноларда ишлашган турли ошхоналар, цехлар эса уларни қурган хўжаликларга ижара ҳақи тўлашмоқда.

Қисқа муддат ичида район қишлоқларини газлаштириш 0,2 фоиздан 12 фоизга етди. Барча хўжаликлар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Районда янги мактаб, боғчалар, тиббиёт муассасалари қад кўтарди. Буларнинг ҳаммаси самарали хўжалик фаолиятининг натижаси эди, албатта. Собиқ раис эмасми, районда тўхтовсиз давом этадиган бюро мажлислари, кенгашлар, текширишларга чек қўйди. Аммо хўжалик раҳбарлари, бош мутахассисларининг масъулиятини кучайтирди, токи, ҳар ким топширилган иш учун тегишли жавобини берсин.

Барча хўжаликларда Охунбобоев номли жамоа хўжалиги тажрибаси ёйилиб, пудратчилик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди. Фермерчилик ҳаракатининг эса ташаббускорларидан бири унинг укаси Муҳаммаджон бўлди. Уйида беш бош сигир, ўнта чўчқа сақлаб, шахсий фермер хўжалигига асос солди. Ўтган йили эса М. Иброҳимов мактаб ошхоналарига 4 тонна гўштнинг килосини ўн беш сўмдан топширди. Энди райондаги барча мактаб ва боғча ошхоналарини арзон гўшт, сут, тухум, балиқ билан таъминлаш мақсадида хўжалигини зўр бериб кенгайтирмоқда.

— Қайси лавозимни жорий этиш ташкилотимизнинг ваколати, — қаттиқ туриб олишди вакиллар ҳам.

Ишқилиб вобкентлик ХДП аъзолари ўз сўзларида маҳкам туриб олиб, район ташкилоти раҳбари этиб Ш. Иброҳимовни сайлашди. Партия ички демократиясининг бу хилда вобкентчасига талқини мантиқий жиҳатдан нақадар асосли эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Айни маҳалда республика ижроия ҳокимияти ислоҳоти туфайли кўпгина жойларда ҳал қилувчи лавозимлар учун ўзаро кураш бораётган бир пайтда Вобкентда яқдиллик билан иш тутилмоқда. Яқинда уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли Ш. Иброҳимов районнинг ҳокими этиб тайинланди, лекин партия ташкилотига фахрий раисликдан истеъфога чиққани йўқ.

— Бундай аҳвол партия ташкилотида «қўш ҳокимиятчиликка» олиб келмаяптими? — деб сўраймиз район кенгашининг биринчи котиби М. Эсоновдан.

— Аксинча, — жавоб беради у, — ишда мадад бўлаяпти. Раисимиз туфайли ҳамма жойда партия ташкилотларининг обрўйи баланд, бирон масала партия кенгашини четлаб ҳал қилинмайди. Шавкат Мўминович раис бўлсалар ҳам кенгаш ижроия бюроси мажлисларини мен олиб бораман. Ҳоким кундалик ички ишларимизга аралашишни ёқтирмайди...

Дарвоқе, ҳоким билан биринчи котиб бир қабулхонадаги икки эшикдан хизмат кабинетларига кириб чиқишади. Бу ҳам одамлар назарида партия обрўсини белгиловчи муҳим омил. Ваҳолонки, айрим жойларда район кенгашлари котибларининг хизмат кабинетларини бир чеккага суриб қўйишди. Кечагина ўзи партия қўмитасига котиб бўлган баъзи раҳбарлар маъмурий ҳокимиятни қўлга киритгач, партия ташкилоти фикрини назар-писанд қилишмаяпти, ҳатто ўзининг шу партия аъзоси эканлигини унутиб ҳам қўйишяпти.

Вобкентдаги бошланғич ташкилотларда бўлган киши бошқа айрим жойлардаги сингари бўшашувчанликни кўрмайди. Ҳар бир партия аъзоси, қайси соҳада ишламасин партиявий масъулиятни унутгани йўқ. Бошланғич партия ташкилотлари партия дастурига мувофиқ одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ таклифлар билан чиқиб, уни раҳбариятдаги партия аъзолари орқали амалга оширишмоқда.

Бошланғич ташкилотлар сафи ҳам торайгани йўқ. Дастлабки даврданоқ Вобкентда ишни аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган эди. Асосий партиявий куч райондаги қишлоқлар ва шаҳардаги маҳаллаларда тузилган цех партия ташкилотларида тўпланган. Икки юзга яқин шундай ташкилотларда 2067 нафар ХДП аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Янги йилдан буён уларнинг сафига яна 31 киши қўшилди.

Партия ташкилоти кенгаши уруш ва меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боряпти. Бу эса, райондаги муаммоларни тез илғаб олиш ва уларни ҳал қилиш учун район ҳокимига тегишли тавсиялар беришга имкон яратмоқда.

Муаммолар эса кам эмас. Уларнинг энг оғири кишиларни иш ўринлари билан таъминлашдир. Тўрт томондан қисилган районда деҳқончиликни янада ривожлантириш учун имконият деярли йўқ. Қайта ишлаш саноати, кенг истеъмол буюмлари корхоналарини кўпайтириш, маҳаллий ҳунармандчиликни равнақ топтириш тўғрисида бош қотирилмоқда.

Худди шундай пайтда Вобкентга шахсий мерседес автомашинасини бошқариб қоп-қора соқоли ўзига ярашиб турган хушсурат йигит келиб қолди. Бу ишбилармонлар дунёсида танилган бизнесмен Тошпўлат Тожиддинов эди. Айни маҳалда у Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг ҳам президентидир. Халқаро бу ташкилот Т. Тожиддинов сингари бизнесменларнинг хайр-эҳсони эвазига турли динга мансуб кишилар учун масжид ва ибодатхоналар, маданият марказлари барпо қилади, бева-бечораларга мадад кўрсатади. Бу халқимизда азалдан мавжуд бўлган миллий анъанадир. Тошпўлат сингари омилкор ўзбеклар уни қайта тиклашмоқда.

Шавкат ака мезбон сифатида уни бир пиёла чойга таклиф қилди. Ўзаро суҳбат уларнинг иккаласи учун ҳам она юрт ҳисобланган Вобкентнинг қадимий шуҳратини тиклаш тўғрисида бўлди. Халқ академияси умумий қиймати 30 миллион сўм бўлган диний-маданий марказ яратиш, райондаги барча қабристонларни, қадимий обидаларни таъмирлаш, уларни ораста сақлаш учун киши ажратишга сарфланадиган харажатларни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари вобкентлик ёш бизнесменнинг ёрдами билан шаҳарда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариб, шу ерда аҳолига сотадиган «Юлдуз» фирмаси ташкил қилинди. Бошқа кичик корхоналар тармоғини кенгайтириб, район аҳолисини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Президент Фармонига биноан берилган имтиёзлардан фойдаланиб, пахта толасининг белгиланган ҳажмини эркин нархларда сотиш эса замонавий корхоналар, илғор технологияларни турли фирмалардан сотиб олиш учун моддий асос яратмоқда.

Хуллас, Вобкентда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг бошида Халқ демократик партияси фаоллари туришипти. Бизнингча мана шундай уюшқоқлик, бир мақсад сари интилиш вилоятдаги барча партия ташкилотларининг ҳам фаолият мезонига айланиши лозим.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. «Шодлик» маиший хизмат уйининг тикув цехи ишчилари мўъжаз корхонани давлат тасарруфидан чиқариб, жамоа мулкига айлантиришга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Бу ерда 70 дан зиёд хотин-қиз меҳнат қиляпти. Илгари улар янги урф бўлган замонавий кийим-кечаклар тайёрлашарди. Бироқ эндиликда аҳоли талабига кўра, арзон баҳодаги кундалик кийим-кечаклар тикишга ўтилди. Жумладан, эркаклар костюм-шимлари, пальто ва уй халатлари, кўйлаклар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Суратда: (чапдан ўнгга) бичиқчи Ойниса Галиева, буюртмачи Шаҳноза Шарипова ва тикувчи Азиза Ҳакимова.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

КЎНГИЛ ХАЗИНАСИ КАЛИТИ

• Миллий мактаб ҳақида ўйлар

Совет Иттифоқи мавжуд бўлган йилларда ҳар бир соҳа ягона ўзанга солиб қўйилди. Бу мактаб, таълим-тарбия ишлари олий ўқув юртларига таъсир этмай қолмади, албатта. Бир хил дарсликлар ва қўлланмалар таржимаси асосида ўқитилди, минтақаларнинг ўзига хос услублари эътиборга олинмади. Марказдан берилган кўрсатмаларга кўра халқ таълими ора йўлда қолиб кетди. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти олимлари миллий мактаб концепциясини тузишга муваффақ бўлдилар. Бу, албатта, биринчи қадам. Аммо ана шу илк одимни босишнинг ўзи оғир ва масъулиятли эди.

Мустақиллик мактабдан бошланади. Ёш авлод мактабда етук фуқаро сифатида шаклланади. Бунинг учун мактабда ўқитиш жараёнини янада яхшилаш талаб этилади. Шундай экан, ҳар бир муаммонинг назарий-услубий асосини яратиш керак. Шундан сўнггина унинг концепциясини ишлаб чиқмоқ зарур. Бунда ривожланган мамлакатлар халқ таълими тизимини, ўз шароитимизни, алломаларимиз ва фидокор муаллимларнинг бой тажрибаларини ўрганишни унутмаслик лозим. Биринчи навбатда тарихни, бой меросимиз, анъаналаримизни ўрганиш шу куннинг муҳим муаммосидир. Биз шу кунгача ўтмишни ёмонлаб келдик. Бугунги кун ўтмиш билан бирга боғлаб ўқитилмади. Устига-устак Ўзбекистон тарихини ўқитиш эндигина бошланяпти. Мактабгача тарбия муассасаларининг юқори гуруҳларида шаҳарларимиз ҳақида тушунча берилянти. Бу дунёқарашни шакллантиришда катта аҳамият касб этаётир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Асқаров раҳбарлигида яратилаётган Ўзбекистон халқлари тарихи китобидан умидимиз катта. Биз бу дарсликнинг тезроқ яратилишини ва мактабларга етказилишини орзиқиб кутяпмиз.

Яқинда Низомий номидаги давлат педагогика институтида миллий мактаб муаммоларига бағишланган илмий-назарий анжуманда шу ҳақда гапирилди. Институт ректори, профессор К. Юсупов «Миллий мактабларнинг моҳияти ва уни шакллантириш принциплари» юзасидан қилган маърузасида миллий мактаб дастури ўз заминига эгалиги, бусиз уни амалга ошириб бўлмаслиги алоҳида уқтирилди. Шу билан бирга миллий мактабда ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз даркор. Мактабдаги бутун қоида ва мезонларни ўзгартиришнинг даври келди.

Институт ўзбек тилшунослик кафедраси мудири, профессор М. Асқарова «Миллий мактаб асоси — тилдир» маърузасини ўзбек тилини ўқитишнинг муҳим қирраларига қаратди. Миллий тилнинг ривожланиши миллий мактабнинг асоси эканлиги ва бунинг учун ўзбек тилини ўқитишни юқори поғонага кўтариш зарурлигини уқтирди. Мутафаккир Алишер Навоий айтганидек, тил «Кўнгил хазинасининг калити»дир.

Умумий педагогика кафедраси мудири, профессор Б. Мирзааҳмедов, биология ва уни ўқитиш кафедраси мудири, профессор А. Ғафуров маърузаларида, шунингдек доцент С. Ўтанов, профессор С. Носирхўжаев, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди И. Абдуллаев ва бошқалар миллий мактаб муаммоларига тўхталдилар.

Ўқитиш тизимимизга эътибор берсак, деб таъкидланди анжуманда, Октябрдан илгари ҳам изчиллик давом этганлигини кўрамиз. Лекин шу ўринда биз «эски мактаб» иборасини ишлатамиз. Бу нотўғри. Бунинг ўрнига «мактабхона» иборасини қўллаганимиз айни муддаодир. Шу билан бирга ҳозир ўқитилаётган «Ўзбек тили» дарсликларида кўп сўзлилик мавжуд. Биз сўзнинг таъми, ҳиди борлигини унутмаслигимиз керак. Шу ўринда дарсликларга Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари атоқли ёзувчиларнинг асарларини киритсак айни муддао бўларди.

Анжуманда мактабгача тарбия муассасаларида ҳам миллий боғчаларни ташкил этиш зарурлиги уқтирилди. Миллий боғча деганда бу маскандаги айрим хоналарга кўрпача солиш, миллий чойшаб, сўзаналарни илиб қўйиш, миллий кийимлар кийишни тушунишади. Йўқ, бундай эмас. Биз ўзлигимизни, ўзбеклигимизни билишимиз зарур. Миллий боғча дастури эндигина ишлаб чиқилаётганлигини ҳисобга олсак, ҳали бу борада кўп иш қилишга тўғри келади.

Миллий мактаб ҳақидаги ўйлар, муаммолар анжуманнинг асосини ташкил этди. Анжуман қатнашчилари — олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, шаҳардаги кўплаб мактабларнинг мураббийлари бундай йиғинни тез-тез ўтказиш зарурлиги ҳақида келишиб олдилар.

М. ПИРМАТОВ.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва район кенгашлари биринчи котибларининг уч кунлик семинар-йиғилиши ўз ишини бошлади. Семинар-йиғилишни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қисқача кириш сўзи билан очди. Ушбу мулоқотни ўтказишдан мақсад партия кенгашлари котибларини партиянинг ташкил топиши даврида партия ички ишларини ташкил қилиш, асосий фаолият йўлларини танлаш, партия ички ишларини Низом талаблари асосида олиб бориш, ХДП фаолиятининг амалдаги кўп партиялилик шароитидаги ўзига хос хусусиятлари, халқ ноиблари Кенгашлари ҳамда республикадаги бошқа оммавий-сиёсий кучлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилиш зарурияти, партиянинг молиявий аҳволи, партия бюджетини ташкил қилишнинг принциплари, ХДП шаҳар ва район ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ташкил қилишнинг амалий масалалари, партия ички фаолиятига доир бошқа бир қатор масалаларни ҳал этиш ва унинг йўл-йўриқлари билан таништиришдан иборатдир.

Семинар-йиғилишда Тошкент шаҳар Ҳокимининг муовини Ш. Х. Низомов ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Ҳ. М. Абдураимов «Жойларда маъмурий ва бошқарув органларининг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон ХДП кенгашлари олиб бораётган ишлардаги ҳамкорлик, иш тажрибалари, муаммолар ва ривожланиш йўллари» деган мавзуда чиқиш қилдилар.

Семинар-йиғилишда республика иқтисодий комплекслари раҳбарлари, илғор олимлар ва иқтисодчилар иштирокида «Республиканинг социал-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш муаммолари» ҳамда «Ислом ва сиёсат. Ислом омилидан чет давлатлар геосиёсий мақсадлари йўлида ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларининг ички сиёсий ишларида фойдаланишга уринишлар» мавзуларида суҳбатлар бўлди.

Семинар-йиғилишда республика Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзўзини бошқариш қўмитаси раиси Э. Н. Хўжаев, Қонунлар тузиш ва чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси раиси Э. Х. Халилов, Қурилиш, архитектура, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш қўмитаси раиси А. Абдувосиқов, Ёшларга доир сиёсат қўмитаси раиси А. А. Аъзамхўжаев, Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Б. Емелянов Олий Кенгаш қабул қилган асосий қонунлар ва Ўзбекистон Республикасида қонунчилик фаолиятининг келажаги тўғрисида семинар қатнашчилари берган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котибларининг район ва шаҳар партия кенгашлари биринчи китоблари билан учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.

Семинар-йиғилиш ўз ишини давом эттиряпти.

Р. ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЯНГИ УЮШМА

Бозор иқтисодиётига ўтилиши барча соҳа ходимларини иқтисодий жиҳатдан жиддий ўйлантириб қўйди. Бу борада, ҳарбий соҳада ҳам бугунги кун нуқтаи назари билан ёндашилганда туб бурилишлар ясаш талаб этилмоқда. Куни кеча Туркистон ҳарбий округининг Тошкентдаги Зобитлар уйи (ОДО)да ўтказилган ҳарбийлар билан жамоатчиликнинг кенгаши «Ижтимоий ташаббус» хўжалик ассоциацияси Ўрта Осиё бўлимини таъсис этишга бағишланди.

— Биз ҳарбийлар олдида йиғилиб қолган бир қатор муаммоларни ҳал этиш йўлида изланиб, ушбу ассоциацияни тузишга қарор қилдик, — дейди биз билан суҳбатда ассоциация бош директори генерал-лейтенант Александр Имомиддинович Захаров. — Мамлакатда иқтисодий танглик, Куролли Кучларнинг парчаланиб кетиши, қисқартириб юборилиши, ҳарбий хизматчиларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг хизмат соҳамиздаги муаммоларни яққол кўрсатди-қўйди. Бизнинг ушбу ассоциациямизни тузишдан асосий мақсад қилиб кўп болали, кам таъминланган, заҳирадаги ёхуд заҳирага чиқадиган ҳарбийларга, боқувчисини йўқотган, уй-жойи йўқ оилаларга, ёш ҳарбий хизматчиларга, турли даражадаги ногирон байналмилалчи жангчиларга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам беришдан иборатдир. Қисқартирилаётган ҳарбий хизматчиларни иш билан таъминлаш масаласида республика Меҳнат вазирлиги, республика Аҳолини иш билан таъминлаш маркази раҳбарлари билан келишиб олдик. Қолаверса, ҳарбий шаҳарчаларда ҳарбийларнинг аёллари ишлаши учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар қуришни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

Ушбу кенгашда ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳарбийларнинг хўжалик ассоциациясини қўллаб-қувватлаяжакларини билдирдилар. «Автобиржа», «Туркистон», «Тошкент» биржалари раҳбарларининг ҳар бирлари «Ижтимоий ташаббус» хўжалик ассоциацияси Ўрта Осиё бўлимига биттадан брокерлик ўрнини тавсия этдилар. «Брижд интернейшил ЛТД» эса ҳарбийларга чет эл билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишда ёрдам беражагини ваъда қилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мудофаа масалалари қўмитасининг раиси В. Р. Ниёзматов, Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари, Тошкент гарнизони бошлиғи генерал-майор Р. Э. Хадирбоев ўртоқлар қатнашдилар.

М. КОЗИЕВ.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкентдаги Самарқанд дарбоза мавзеси аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерда куни кеча 20 минг кишига хизмат кўрсатадиган 22-поликлиника филиали иш бошлади.

— Поликлиника очилишида шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ёрдами катта бўлди, — дейди масъул бош шифокори Мавжуда Шоолимова. — Бошқарма фақатгина қурилиш-таъмирлаш ишларининг ўзига 150 минг сўм пул ажратди. Бундан ташқари 60 минг сўмга диагностика аппаратлари ва 500 минг сўмга рентген аппарати ҳам олиб берди.

Поликлиникада физиотерапия бўлими, лаборатория, врач кабинетлари, фитобар, массажхона ва дорихона мавжуд.

Ш. ҚУРБОНОВ.

МЕЪМОРНИ ҚУТЛАБ

Атоқли меъмор Собир Одилов 60 ёшга тўлди.

Ижодкор зиёлилар, ҳамкасб дўстлари, ёр-биродарлари ҳамда шогирдлари уни бу қутлуғ кун билан чин дилдан муборакбод этиб, шаҳарсозликка, айниқса зилзила рўй берган ва ундан кейинги йилларда Тошкент шаҳрини тиклашга қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидладилар, унга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик ва ижодий муваффақият тиладилар.

(ЎзА мухбири).

РАСМИЙ ТАШРИФ

БУДАПЕШТ, 2 март. (РАТА—ТАСС мухбири Сергей Жирнихин). Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов Венгрияга расмий ташриф буюрди. Бугун савдо битими имзоланди. Бу ҳужжат иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик доираларини белгилаб беради.

Битимда ўзара етказиб берилган моллар учун эркин айирбошланадиган валютада ҳисоб-китоб қилиш кўзда тутилади. Бу йил Венгрия билан Ўзбекистон ўртасидаги товар оборот ҳар бир томондан 100 миллион долларга етиши мумкин.

МТИ ахборот бошқармасининг таъкидлаб ёзишича, Россия, Беларусь ва Коми Республикасидан кейин Ўзбекистон Венгриянинг собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги аҳамияти жиҳатидан тўртинчи ташқи савдо мижози бўлиб қолади. Пахта, шунингдек, химиявий саноатнинг турли маҳсулотлари Ўзбекистондан Венгрияга етказиб бериладиган моллларнинг анчагина қисмини ташкил этиши мумкин. Венгрия эса Ўзбекистонга озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари, автобуслар юбориш имкониятига эгадир.

Бугун имзоланган ҳужжатда қўшма корхоналар барпо этиш ва ўзаро сармоя сарфлаш соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳам кўзда тутилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ мутахассислар Венгрия кредит банки билан Ўзбекистон миллий банки ўртасидаги ҳамкорлик шартлари ва доираларини пухта ўйлаб таҳлил қилмоқдалар.

Бугунги кунгача Венгрия Россия, Украина, Беларусь, Литва, Коми Республикаси ва Бошқирдистон билан савдо-иқтисодий битимлар имзолади. Эстония, Латвия, Арманистон, Озарбайжон ва Татаристон билан шундай ҳужжатларни имзолашга тайёргарлик кўрилмоқда. Венгриянинг собиқ СССР республикалари билан товар оборати қиймати бу йил 4 миллиард долларни ташкил этиши мумкин.

21 март — Наврўз байрами

ЭЗГУЛИК

Гўзаллик ва бахт-саодат байрами — Наврўз шодиёналарига тайёргарликнинг бориши қизиқтириб, Нишон райони раҳбарияти билан мулоқот қилдик.

— «Ўзбекистон овози» рўзномасида ёритилган мурожаат айни муддао бўлибди, — деди район ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ҳайитмурод Фармонов. — Ўзбекистон Республикаси бир гуруҳ меҳнат ва уруш фахрийлари, йигит-қизлари, Халқ демократик партияси фаолларининг жумҳуриятимиз барча фуқароларига даъватига биноан биз ҳам тараддудни бошлаб юбордик. Ҳокимлик ХДП район кенгаши билан ҳамкорликда Наврўзга тайёргарликка оид муҳим тадбирларни белгилайди. Жойлардаги хўжаликларни айтмайсизми!

— Қайси хўжалик?

— Хаммаси ҳам, — деди ҳоким. — Лекин Чорағил ижарачи фермер бирлашмасида бу борада амалга оширилаётган ишлар айниқса яхши. Агар вақтингиз бўлса шу бирлашмада учрашсак.

Биз бажонидил рози бўлиб куннинг иккинчи ярмида Чорағил ижарачи фермер бирлашмасига етиб келдик. Хўжалик экин майдонларидан тортиб марказий посёлкагача бўлган манзилларда баҳор нафаси. Кимлардир боғ-роғларга шакл беряпти, янгидан ниҳоллар ўтказяпти. Яна кимлардир кўчаларни супириб-сидиришарди. Демак қаёт қайноқ. Баҳор айёми яқин, табиат уйғоняпти, гўзаллик сеп таратаяпти.

Келишганимиздек бирлашмада район ҳокими Ҳайитмурод Фармонов, Халқ демократик партияси район кенгашининг биринчи котиби Исмат Мўминов, район ҳокими ўринбосари, Наврўз байрамига тайёргарлик комиссиясининг раиси Иззат Ҳикматов билан учрашдик. Улар ҳозиргина бирлашма директори Очил Бердиевнинг ўтган хўжалик йили якуни бўйича ҳисоботи тингланган йиғинда қатнашибдилар.

— Кўргазмали йиғилиш, —гап бошлади Ҳайитмурод ака. — Ҳокимликдан кейин жорий этилган биринчи тадбиримиз.

Ҳоким таклифи билан Чорағил бирлашмасида умумхалқ байрамига тайёргарликни кўздан кечирдик. Бирлашма директори О. Бердиев раислигида Наврўз байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш комиссияси катта тараддудга киришиб кетибди. Комиссия аъзолари ва бирлашма бошланғич партия ташкилоти котиби Абдусаттор Тўрабоев, фахрийлар кенгаши раиси Қора бобо Раҳмонов, хотин-қизлар кенгаши раиси Гулсора Узоқова, қишлоқ Кенгаши раиси Ҳайитмурод Очилов кабилар ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар. Ҳамма ерда байрам руҳи ва нафаси ёрқин сезиляпти.

Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилмоқда. Посёлка яқинида 10 гектарли Мустақиллик боғи яратилди. Бу ерда 15 минг туп мевали дарахт кўчати ўтказилди. Яхши ният билан 6 гектар ерда терак ниҳоллари, 40 минг туп тут кўчати ўтказилди.

Наврўз шодиёнаси кунлари хўжаликнинг барча маҳаллаларида сумалак сайлини ўтказиш мўлжалланмоқда. Бирлашма дирекцияси ўша куни бепул овқат ташкил қилиш учун 23 минг сўм маблағ ажратди. Шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақи — 10 минг сўм пул хайр-эҳсон фондига ўтказилади.

Хўжаликда бир умр тер тўкиб меҳнат қилган, кексайганда соғлиги ёмонлашиб ногирон бўлиб қолган кишилар ҳамда уруш қатнашчилари ва кўплаб қаҳрамон оналар бор. Жумладан, меҳнат ногиронларидан Ҳазратқул Қуллиев, Эшонқул Тўйчиев, уруш фахрийларидан Қора бобо Раҳмонов, Маҳмадиёр Эшмуродовга ва 10 нафар қаҳрамон онага моддий ёрдам кўрсатишга келишиб олинди.

Наврўз рўза пайтига тўғри келяпти. Шунга кўра бирлашма посёлкасидаги мавжуд олти маҳалладa ҳам бу ҳисобга олиняпти. Рўза тутувчилар учун алоҳида миллий таомлар пиширилади. Айниқса, сумалак, ғилвинди, ёрма тайёрланади. Тандирларда кўк сомсалар, исмалоқли чалпаклар ёпилади. Бу соҳада Ҳасан Рўзиев раислик қилаётган Охунбобоев номли маҳалла аҳлининг иши айниқса диққатга сазовор. Улар Наврўзни меҳнат, қунар-касб, ҳамкорлик, юртсеварлик, яхшилик, ҳалоллик, меҳр-оқибат байрамига айлантиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Меҳнаткашларимиз Наврўз байрамини нишонлашга кенг йўл очиб берилганидан ғоятда миннатдор, — дейди бирлашма директори Очил Бердиев. — Наврўз олдидан биз Улуғ Ватан уруши фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар, бева-бечораларга 6 минг сўм миқдорида моддий ёрдам бердик. Хўжалик ҳудудидаги ногиронлар, кам даромадли оилаларга ҳам худди шундай алоҳида ёрдам кўрсатилади. Келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод ҳам бу ғамхўрликдан четда қолмайди.

Бирлашма иқтисодий жиҳатдан бақувват. Икки йилдан бери хўжаликни юритиш ижара пудрати асосида олиб борилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга имкон беряпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида давлатга 3850 тонна ўрнига 4481 тонна юқори навли пахта топширилди. Бунга Саид Ниёзов, Рауф Эшмуродов, Панжи Қурбонов, Наим Комилов сингари ижарачи бригадаларимиз салмоқли улуш қўшдилар.

Ҳа, Чорағил қиёфаси кун сайин яшнаб, чирой очиб бормоқда. Кино-театр, маиший хизмат ва савдо шоҳобчалари, қариялар чойхонаси, ҳаммом, тиббиёт муассасаси аҳоли хизматида. 500 ўринли ўрта мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси намунали ишлаб турибди. Хонадонларга табиий газ келтирилган, ичимлик сув таъминоти анча яхшиланди. Йўллар теп-текис, асфальтланган.

Хуллас, фермер хўжалиги меҳнат аҳли бундан кейин ҳам саҳоватпешалик йўлида юксак орзулар билан яшаб, бир ёқадан бош чиқариб баракали меҳнат қилаверишга аҳд қилган.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВРЎЗ АРАФАСИДА ТУҲФА

Шу кунларда Туркиядан Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами тинмай келмоқда. Бугунгача дўст мамлакатдан 180 тоннага яқин ун, 160 тонна гуруч, 140 тонна шакар олинди. Бунга юкларни қабул қилишни ташкил этиш ва тақсимлаш республика комиссияси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи бошчилик қилмоқда.

— Туркиядан келаётган озиқ-овқат маҳсулотлари пешма-пеш. қабул қилиб олинмоқда, — деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари К. Р. Расулов. — Республиканинг мутасадди вазирликлари ва идоралари ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, юкларнинг махсус жойларда яхши сақланиши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари

Мовароуннаҳр

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин шу номдаги янги тарихий романини ёзиб тугатди. Асар X—XI асрларда, буюк Хоразмшоҳ, Нўштакин Гарчои ва унинг фарзандлари Қутбиддин Муҳаммад, Аълоиддин Муҳаммад-Отсиз даврини ўз ичига олиб, (Темур Малик, Жалолиддинлар даврида) икки юз йилча илгариги) Мовароуннаҳр ҳамда Хоразм мамлакати салжуқийларга — султон Санжарга тобеликдан қутилиши, икки буюк дарё оралиғидаги Самарқанд, Бухоро, Шош, Ғурганж, Ахси, Термиз, Кешу Хўжанд, Хива-ю Ўтрор... шаҳарларининг юксалиши, бир-бирлари билан яқинлашувини тасвирлайди. Хоразм, айни вақтда Мовароуннаҳр саркардаларидан бири амир Алп-Арслоннинг юрту заминга муҳаббатига, жангу жасоратига, гўзал Шоҳсанам севгисига романда кенг ўрин берилади.

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландин сўр.

ФУЗУЛИЙ.

ПОЙТАХТ озод этилган куниёқ, кечга яқин Шоҳсанам шаҳзоданинг ҳалок бўлганини эшитиб, юрагига ларза тушди. Бориб қайнонаси — буюк малика ёнида тиз чўкиб йиғлаб, тиззасига бош қўйди. Табиатан ожиз бўлишига қарамай, шу мамлакатни деб шаҳид кетган шаҳзодага ачинди, мамлакатнинг иккинчи тираги амир Алп-Арслоннинг яраланиб, ёв отлари туёғи остида қолиб, бели чиқиб кетганини ҳам эшитиб ёш юрагига ваҳшат тушди. Қонли жангда у икки қадрдон кишисини йўқотгандай бўлиб, эсанкираб қолди. Буйруқ бўйича подшоҳ хонадони эртага эрта билан Гурганжга — саройга араволарда кириб келиши керак эди, аммо Шоҳсанам шу куниёқ ўз ихотачилари — қуролли навкарларга тезда от тайёрлашни буюрди. Ўзи ичкари хонага кириб, сарбоз йигитлар либосини кийиб, сириб боғланган камарига қилич осди.

— Улуғ маликам! Энажон! Мен Гурганжга, Олий ҳазрат ёнларига кетдим. Қиз ҳам фарзанд, келин ҳам фарзанд!

— Зиндондан чиққанингиздан буён ҳали ўзингизга келганингиз йўқ болам, эртага бирга кетайлик! — деди улуғ малика кўзларида ёш, бошига қора рўмол ёпиб, қора ридога ўралган ҳолда.

— Тузикмен, Энажон. Мен шаҳзода ҳазратлари қотилларидан ўч оламен! Сиз мени яхши биласизки, раҳматли отам менга фақат гилам тўқишни эмас, отда чопишни, ҳарбни ҳам ўргатганлар. Подшоҳим амрига бўйсуниб, бунда қолдим, бўлмаса шаҳзода ҳазратлари ёнларида бўлардим.

Шоҳсанам ҳовлига чиқиб, навкарларни кўздан кечирди. Белидаги қиличини қинидан суғуриб кўрди.

— Қани, кетдик, — атрофидаги ўн чоғлиқ навкарларга боқди, — мен бунда кўз ёш тўкиб, йиғлаб ўтиролмаймен! Иккиламчи, кўз ёшу нола қаҳрамон шаҳидларни ранжитади! Душмандан ўч олиш керак!

Гурлан билан Гурганж оралиғи беш чақирим; олдинда Шоҳсанам, улар шитоб билан далама-дала югуриб кетишди. Йўлда яширин хандақлар борлиги сабабли ихота сарбозларидан кекса Полвон ота ёш маликани бу нарсадан огоҳ этган эди. Улар — ўн бир отлиқ далама-дала шитоб билан югуриб, йўлда жанг майдонидан унча узоқ бўлмаган жойда қурилган чодирлар ёнига келишди. Ҳозироқ аравада бу ерга олиб келинган «қаттиқ ярадор» амир ҳазратлари борлигини билди. Чодир олдида турган, манглайи жароҳатланиб, қон тўхтатиш мақсадида оқ рўмол билан боғлаб олган, аммо рўмол сирти ҳам қип-қизил қон бўлган давангир Муҳаммад Али ал-Мисрийга кўзи тушгач, сакраб отдан тушди-да ёнига келди. Ал-Мисрий сарбоз либосидаги бу кимса малика Шоҳсанам эканини таниб, дарҳол қўли кўксида, ярим эгилиб салом берди, бир неча қадам юриб келиб, ҳолаҳвол сўради. Юзига фотиҳа тортиб, таъзия билдириб, ерга боқиб сукут сақлади. Шоҳсанам бош ирғаб, паҳлавоннинг таъзиясини қабул қилди. Атайин одоб юзасидан бўғиқ бир овозда «подшоҳ ҳазрати олийлари соғмилар, қалъага кирдиларми», деб сўради.

— Ҳа, — деди паҳлавон ал-Мисрий.

— Амир ҳазратларини ярадор бўлганларини эшитдим.

— Шундай маликам.

— Қай аҳволдалар?

— Оғриқ баланд...

— Ёнларига кириб чиқсам ижозат бўлармикан?

— Марҳамат, маликам, марҳамат! У зот хурсанд бўладилар, наинки у зот, мен ҳам хурсанд бўлардим. Сиз улуғ маликамнинг бунда келганингизнинг ўзи ҳам шифо. Сизни бу ерга худойимнинг ўзи етказди. Бу ерда яна саккиз сардор ҳам ётибдилар...

ЎЁҒИДА этик, жиддий ва «ринт йигит» Шоҳсанам ёлғиз ўзи ал-Мисрий кўрсатган катта чодир томон юриб, пардани кўтариб ичкарига кирди. Оғриқ алангасида беҳол ётган амирнинг кўзи Шоҳсанамга тушди. Аввал танимади, оддий сарбоз йигитлардан деб, буйруқ берди:

— Сув, сув келтир!

Шоҳсанам дарҳол сув келтириб, амир бошини қўлга олиб, сув ичира бошлади. Бошни қўлга олгани амирга ғайритабиийроқ кўринди, «сарбоз йигит»га тикилиб боқди. Таниди.

— Сизмисиз, маликам, — унинг чиройи очилиб, табассум қилди. Белдаги кучли оғриқ бир лаҳзада тўхтагандек бўлиб, оҳ-воҳ қилиб ётган амир оғриғи йўқолиб, чеҳраси очилиб, Шоҳсанамга тикилди.

— Хуш келибсиз. Душманни қувиб, пойтахтни озод этдик... Номард Юсуф қочди. Мен у хиёнаткорни барибир тутамен! Олий ҳазрат фармони! Мен уни тутмагунча қўймаймен! Сизга таъзия изҳор этамен, шаҳзоданинг ҳалок бўлгани ҳаммамиз учун мусибат. Хоразм халқи учун мусибат. Улуғ ҳазрат омон бўлсинлар!

— Паҳлавоним, таъзиянгизни қабул киламен. Сиз ҳам олий зот авлоди, баҳодир инсонсиз! Сиз ҳам, мен ҳам бобомиз, улуғ подшоҳ Нўштакин Гарчои ҳазрати олийларининг эвараларимиз. Ўзингизни паст олманг, сиз ҳам олий ҳазрат каби бу заминнинг эгаларидансиз. Ҳа, бир томонда ғалаба, бир томонда фожиа!

— Яна сув беринг, бағрим куяди, Сув ичким келаберади. Бутун Жайҳунни бир томонга оқизсангиз, барини ичардим.

Шоҳсанам ҳумчадаги муздек сувдан пиёлага тўлдириб, ярмини ичирди. У яна амир бошини қўллари билан қучиб, кўтариб сув ичирди.

— Амир ҳазратлари, мен ҳозир ташқарига чиқиб, Шамсиддин эл-Тузмиш жанобларига одам юборамен. Эшитишимча, бунда табиб Шаҳобиддин Маъсуд ҳозир эканлар, бу яхши. Аммо отамлар Шамсиддин эл-Тузмиш жанобларининг кўп мухорабаларда саркардаларни даволаганини айтган эдилар. Келсинлар, сиз, саркардаларни бир кўрсинлар. Шояд тезда ўрнингиздан туриб кетарсиз. Иншоолло тузалиб кетасиз. Оллоҳдан тилаймен.

— Миннатдорман, маликам!

Шоҳсанам ўрнидан тураётган эди, амир уни бир лаҳзага тўхтатди:

— Азизам, агар сени қайта кўролмасам, маҳшар куни учрашурмиз... Юрагимдаги шўъла — бу фақат сен! Киши видо пайтида ҳеч қандай қоидага итоат этмайди... Нимаики қилган бўлсам Хоразм учун ва сен учун қилғонмен. Мендан ризо бўл...

— Саркарда, бундай сўзлар айтмоққа ҳаққингиз йўқ! Сизни даволаб, яна отга миндирамиз! Зарурат бўлса мен Абу Али ибн Сино ҳазратларини ҳам, ал-Хоразмий ҳазротларини ҳам тупроқдан тортиб олиб, тепамизга олиб келамен! Худо йўл берсин, худо мададкорим! (Амирнинг кўзига ёш келди) Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари ҳаким ибн Сино ҳазратларининг энг яқин шогирдлари! У зот тезда келурлар. Бардам бўлинг! Ахир сиздаги ирода ҳеч кимда йўқ, ўзингизни маҳкам тутинг! Ҳамма иш яхши бўлажак. Тузалганингиздан кейин, Оллога шукур, тинчлик бўлади. Мен сиз ҳазратга гилам тўқиб берурмен. Сиз биласизки, мен гилам тўқиш касбини биламен...

Амир алп-Арслон кулимсиради, бош қимирлатиб, Шоҳсанам билагини қўйиб юборди, у чодирдан чиқиб кетгунча орқасидан тикилиб қараб қолди. Унинг вужудидаги дўзаҳий оғриқлар босилгандай бўлди.

Шоҳсанам ташқарига чиқиб, бунда ҳозир турган машҳур табиб Шаҳобиддин Масъуд ҳазратлари ва ал-Мисрийга мурожаат этиб, тезда жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазраларини олий ҳазрат номидан бунда чорлашни, от-арава юборишни буюрди. Шундан сўнг атрофидаги бошқа уч-тўрт чодирга ҳам кириб, қонга беланган, ярадор навкарларнинг тепасига келди. Баъзи ёш йигитларнинг пешонасига кафтини босиб, иссиғини кўрди, далда берди. Ҳозироқ катта жарроҳ ва табиблар бунда келишини, соғайиб кетишларини айтди. Паҳлавон Аҳмад-Замчий, Рустами достон, Сиёвушу Афросиёблар неча бор қилич егани, бебаҳо дори — малҳам билан тузалиб кетишганини, ахир бу заминда «Ал-Қонун»дай китоб ёзилиб, табибларга берилганини эслатди. У ўнга яқин сардору навкарларнинг ётган ерларига кириб, кийимларини тўғрилаб, пешоналарига кафтини босиб, сувсираганларга пиёлада сув бериб, ташқарига чиқди. Бундан ортиқ ёрдам кўрсатиш қўлидан келмасди. Худо йўл берсин, худони дилдан чиқарманглар, дерди. Ҳозироқ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари етиб келишини такрор-такрор айтарди. Чунки, бу табибнинг номи Мовароуннаҳрда ҳаммага маълуму машҳур, ҳатто «Синоий Соний» аташарди ҳам.

Чодирлар ичида ётган ярадорлар, баъзилари гарданидан қилич еб, баъзилари отдан қулаб, баъзиларига найза санчилиб, оғир жароҳатланганлар, бу — ёнларига кирган «сарбоз йигит» эмас, малика Шоҳсанам эканини билиб, бошлари осмонга етди. Малика берган далда уларга малҳаму мадор бўлди. Ярадорларнинг кўпчилиги ҳаяжонда, гўзал маликанинг от чоптириб юргани уларнинг руҳини кўтариб, дармон берганлер бўларди. Насриддин шоҳнинг гўзал қизи баъзан «соҳибқирон» бўлиб юришини, шижоаткор эканини эшитишган эди.

Шоҳсанам атрофида юрган Шаҳобиддин табиб ва ал-Мисрий билан хайрлашиб, яна отга миниб, ўн чоғлиқ ихота сарбозлари билан Гурганж қалъасига йўл олди. Отларнинг биқинига ниқтаб, югуриб, бир қанча манзилу мароҳилни тай этиб, пойтахтга етиб келиб, дарбоза олдида найза ушлаб шай турган дарбозабонларга рўбарў бўлди. Сарбоз либосидаги бу «йигит» малика эканини кекса навкар дарбозабонлар сардорига имо-ишора билан тушунтиргач, улар дарҳол маликани ичкарига олиб киришди. Ёш жувоннинг шижоатига қойил қолишди, аммо, минг афсус, шаҳзода Сулаймоншоҳнинг шаҳид бўлганидан малика қалби ғам-аламга тўлганини ҳам билишарди. Дарбозага яқинлашганда Шоҳсанам қадимий зиндоннинг баланд деворлари тагидан ўтди; яқинда бу қўрғонлар ичидаги ажал ертўласида ётгани, ўзидан бўлак қанча сардорлар ҳам бу қоронғуликка ташланиб, ўлим кутиб ётганликларини эслади. Агар вақти етиб, шаҳзода тахта чиқса, бу зиндонни буздириб ташлашни дилидан ўтказган эди. Бу зиндонни дўстига ҳам, душманига ҳам раво кўрмасди.

Шоҳсанам отда тўппа-тўғри Доруссалтана зинапоялари ёнигача етиб борди. Отлиқ йўлдошлари дарбозадан киргач, қалъа ичида қолишди. У отидан сакраб тушиб, ясовулга оти жиловини тутқазиб, тезда юқорига кўтарилди:

— Олий ҳазрат қайси хонадалар?

— Тахтли хонадалар.

— Олий ҳазрат ҳузурларида ким бор?

— Инилари, шаҳзода Иинол-Такин ҳазратлари ҳамда амир Музаффар Тамғоч...

ШОҲСАНАМ айвонда қиличини қолдириб, бир неча кўркам хоналардан ўтиб, тахти олий ўрнатилган катта хона эшигига келиб, бу ерда турган қуролли ясовулга боқди. Ясовул Шоҳсанамни таниб, дарҳол бош эгиб, таъзим этди. У бир сўз демасдан эшикни очдида, кенг хона ўртасидан тўппа-тўғри олий Тахтда ўтирган қайнота — подшоҳ олдида тиз чўкиб, бош эгиб йиғлади. Унинг чиройли юзларига ёши оқиб тушди. Бошқа қизу аёллар бундай ҳаракат қилиши, подшоҳ ёнига кириб келишлари ғайри табиий кўрингани билан, Шоҳсанамнинг илгаригидай яна отга миниб, салоҳ тақиб, навкар бўлиб келгани подшоҳ юрагига тўлқин солди. У ўз тиззасига қўйилган келин бошини силади:

— Болам, шаҳзодадан ажралиб қолдик..., — деди подшоҳ кўзларига ёш олиб, пиқиллаб йиғлаб, — бир томонда ғалаба, бир томонда фожиа. Оллоҳнинг хоҳиши шундоқ бўлди. Сенга ирода, сабр қаноат тилаймен. Болам...

Шоҳсанам бир лаҳза подшоҳ оёқларига бошини қўйиб йиғлаб, кўз ёшлари гиламга томиб, жим турди. Иинол-Такин ҳазратлари ҳам, амир Музаффар Тамғоч ҳам хомуш бош солиб туришди. Шоҳсанам шундан кейин амаки Иинол-Такин зоти покнинг Қуръони каримдан сура ўқиб, тиловат қилганидан сўнг, юзига фотиҳа тортиб, хона ўртасигача орқаси билан юриб, кейин ташқарига чиқиб кетди. Маликалар ичида Шоҳсанамнинг феъли тамоман бошқача экани, шаддодлиги, отда чопиши, ҳар қандай «ҳазрат»ни ҳам билағонлиги билан мот қилиши, эркалигини саройда билмайдиган кимса йўқ эди. Фақат шу пайтгача фарзанд кўрмагани, ҳар қалай «ғори морон» воқеасидан кейин туҳматга учраган амирнинг соғ қолгани, бир неча туҳматчиларнинг бу ишда боши кетгани ҳеч кимсанинг Шоҳсанамга нисбатан ёмон сўзлар айтишга ботина олмаслигини кўрсатарди. Бу бениҳоя гўзал келиини Иинол-Такин ҳазратлари «Турон маликаси» деб атарди. Ҳар тўкисда бир нуқсон, деганларидек, Олий ҳазрат неварага зор, аммо нозик феъл, касалванд шаҳзода билан уларнинг феъли бир-бирига тамоман номутаносиб эди.

Шаҳзодани худо раҳмат қилсин!

Шоҳсанам унга эр сифатида итоат сақлар, унинг ҳукмига ўзини бахшида этарди, чунки Оллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлишдан қўрқарди. Лекин юрагида амирга нисбатан қайноқ бир ҳис доимо тўғён этарди.

ПОДШОҲ ҳазрати олийлари ёнидан чиққач, у эртага эри жанозаси, мамлакатда бўлажак ўн кунлик мотам ва шунга ўхшаш тайёргарликларни кўзда тутиб, эрта билан то қайнонаси Гурландан Гурганжга етиб келгунча, бундаги баъзи тайёргарликларга ўзи бошчилик қилди. Шу орада жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари даладаги чодирга етиб келдиларми, амирнинг аҳволи қандоқ, шуларни билиб келмоқ учун ўзининг ишончли маҳрамларидан бирини Беш гужум қишлоғи яқинидаги дала ўртасида тикланган чодир-капалар томон юборди. Ҳамма иш ўзи кўрганидай; жарроҳ ҳазратлари етиб келгани, табиблар амир ҳазратлари тепасида эканн, маслаҳатлашаётганини эшитиб, бироз кўнгли таскин топди. Бўлмаса, баъзи гапсўзлар бўлишидан ҳам чўчимай амир тепасига яна боришга тайёр эди.

Эртага бир нимани баҳона қилиб, амирни кўришни кўнглига тугди. Лекин у Доруссалтанада ўз хобхонасига кириб, мукка тушиб ётди. Тунни бўйи кўзига уйқу келмади. Тонготарда бироз кўзи чалинган экан, туш кўрди: Тушида отаси Насриддиншоҳ ҳазратлари ваъзири-аъзам либосида ўша кўркамлиги салобатида Доруссалтана ҳовлисида пайдо бўлиб, кейин қизи ёнига кириб келибди, У, қизининг сочларидан силаб, пешонасидан ўпиб, кичик қизалоқлик вақтидагидек эркалабди «Отажон, бошимга оғир мусибат тушди... Душманингиз Юсуфшоҳ пойтахтни босиб олди... Одамларни ўлдирди... Шаҳзодани ҳалок этди...» деб ҳўнг-ҳўнг йиғларди отага ёпишиб. Ниҳоятда соғинганини айтиб, «мени ҳам олиб кетинг, бу ерда бўрилар кўп, мени еб қўядилар...» дерди. Қизининг сочларини силаб, тасалли бераётган ота унга одатдагидек сабр-қаноат тиларди: «Хоразм бошига оғир мусибат тушди. Юсуфшоҳ-қонибузуқ кўпдан ўйлаб юргани қирғин — босқинчилик уруши бошлади. Хумомиддин ад Давлат билан Абдулжаъфар — Ноғорақорин ҳам менга ёмон бўҳтонлар тақаб, Хуросонда қолишимга сабабчи бўлди. Мени хоин, деб атадилар, мен хоин эмасмен! Бу мутлақо бўҳтон!

Оллоҳ бор, улар Оллоҳ таолонинг ғазабига учрайдилар! Охирати йўқ бу кимсалар ўшанда валиаҳд Аълоиддин Муҳаммаф-Отсиз ҳазратлари билан менинг орамни бузиб қўйдилар. Мен Мозандарон, Кермон шаҳарларида дарбадар юрдим, охир тутиб, мени қатл этдилар... Бу шахслар жуда маккор, уларга эҳтиёт бўлгин. Улар, подшоҳга ҳам хиёнат қилиб, тахтдан тобутга тортмоқчи бўлдилар. Яradор бўлган амир алп-Арслон ёнига жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари келди. Сен айтганинг сабабли мен уни уйидан бошлаб олиб келдим. Амирга худо ёр бўлсин, деб дуо қилдим, иншоолло, саркарда тузалиб кетади. У яна ўзининг ғиротига минади! Бундай инсонлар бор экан, мамлакатимиз Мовароуннаҳр ҳеч қачон душман оёғи остида хор бўлмайди. Жайҳуну, Сайҳун дарёлари оралиғидаги муқаддас бу замин сеники, қизим! Мен — дарбадармен, сени ҳеч қачон ўзим билан бирга олиб кетолмаймен! Мен Мовароуннаҳр диёримиз устида учиб юрибмен, ҳеч ухламаймен, бедормен, ҳамма вақт сенинг атрофингда, онаизоринг атрофида юрамен. Шу юртиму сизлардан бўлак менинг ҳеч кимим йўқ. Мен — арвоҳмен, мендан чўчима, қўрқма, мен ҳамма вақт сени шайтону жинлардан ҳимоя қиламен!»

Шоҳсанам ғўлдираб, «Отажон!», «Отажон!» деб уйғониб кетди.

Уй бўм-бўш, ҳувиллаган, навкар либосида, қиличини қучоқлаб, қалин кўрпача устида, ёстиққа суяниб ухлаб қолган, Шоҳсанам атрофга алангалади. Деразага кўз ташлади, тонг ёришиб келарди...

ТАҚЧИЛЛИКНИНГ ТЎҚМОҒИ

Нарх-навонинг осмонга чиқиб кетганидан асаби минг қақшамасин, одамлар бир мулоҳазадан — ҳеч бўлмаганда дўконлар энди тўлиб қолар деган гапдан тасалли излагандилар. Афсуски, шу ҳам рўёбга чиқмаяпти. 14 февраль куни Термиз шаҳридаги Совет кўчаси 15-уйда истиқомат қилувчи фуқаро А. Муротова шахсий таъминот варақасини кўтариб шаҳар озиқ-овқат савдоси бошлиғига арз қилиб кирди:

— Бизга хизмат қиладиган 9-магазиндан гўшт, ўсимлик ёғи, гурунч ололмаяпмиз, — деди.

Муротовага ўхшаган арзгўйларнинг, тўғриси, савдо идораларидан қадами узилмайди. Чунки, минг қиммат бўлса ҳамки маҳсулотнинг ўзи кам, таъминот ёмон. Масалан, шу йилнинг дастлабки 40 куни мобайнида биргина Термиз шаҳри озиқ-овқат савдоси тақсимотида белгиланган 168 тонна ўрнига 78,2 тонна гўшт олди, холос. Бошқа турдаги гўшт маҳсулотлари таъминоти бундан ҳам ёмон. Қумқўрғондаги «Ўжсурханводстрой» ишчилар таъминоти савдо идорасида эса бизга юқорида таъкидланган ҳолнинг тескарисини айтиб қолишди. Омбор мудири Юнус Қудратов «паррандачилик корхоналари, гўшт олиб кетинглар, деб бизни қисташяпти. Биз ҳозирча олмай турибмиз», деди.

— Чунки, давлат корхоналаридан гўшт келтирилиб одамларга сотишдан барча савдо идоралари қатори биз ҳам молиявий зарар кўряпмиз, — деди ишчи таъминоти жамияти бошлиғи Д. Қаршиев омбор мудирининг гапига изоҳ бериб. — Масалан, гўшт комбинати мол гўштининг ҳар бир килограммини савдога 43 сўмдан ҳужжатлаштириб беради. Ҳозир илгаригидек тижорат чегируви деган нарса йўқ. Шунинг учун ташиб келтириш ва хизмат кўрсатиш харажатларимизни қоплаш учун молнинг нархига ўн фоиздан йигирма фоизга қадар устама нарх қўямиз. Энди, боя мен айтган 43 сўмга ҳеч бўлмаганда ўн фоиз устама нарх қўшсак, бир кило гўшт эллик сўмга чиқиб кетади. Бу бозоримизнинг нархидан-да ўн сўмга қиммат. Шундай бўлгач...

Тўғри, барча турдаги гўштнинг нархи 30 сўм деб белгиланди. Биз ҳам шу нархдан чиқмаслигимиз керак. Бунинг учун улгуржи нарх билан чакана нарх ўртасидаги фарқни қоплашга давлат бюджетидан бадал тўланмоғи лозим. Лекин, нарх ошганига бир ой бўлдики, бадал тўланадимийўқми, бизга мавҳум бўлиб турипти. Шу мавҳумликдан қўрқиб, биз, тўғриси яқинда 200 килограммча товуқ гўштини 39 сўм 20 тийиндан сотдик. Бу ишимиздан одамлар, табиийки, хурсанд бўлишмади.

Қаршиевнинг гапларида жон бор. Бюджетдан бадал бериладими, йўқми деган иккиланиш таъсири бўлса керакки, савдо билан етказиб берувчилар ўртасидаги муомала юришмайроқ турипти. Вилоятда бир эмас, тўртта парҳез гўшти етказиб берувчи паррандачилик фабрикаси бор. Арзончилик замонларида бу корхоналарнинг маҳсулоти ерга тегмасди. Бозори чаққон эди. Энди бўлса, чўнтак кўтармаяптими ёки улгуржи ва чакана нархлар ўртасидаги фарқ панд беряптими, фабрикаларнинг раҳбарлари харидорнинг йўлига қараб қолишяпти.

— Бройлер товуқларимиз «қариб» кетяпти. 70

• Нарх-наво, таъминот, кайфият

кун боқиб сўйишимиз керак. 120—130 кунлаб боқяпмиз, — дейди Узун бройлер фабрикаси ходими С. Ҳайитов. — Харидор бор — Регардаги алюминий заводи. Лекин ўз вилоятимизга керак бўлиб турган нарсани «бегона» қилиш қовурғага ўтирмайди. Бунинг устига рухсат ҳам йўқ... Жарқўрғон паррандачилик фабрикаси раҳбари ҳам тегишли идораларга «агар гўштни савдо олмайдиган бўлса, четга сотаман» деган «дипломатия» билдиришга мажбур бўлди.

Мен юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ва тушунмовчиликларни санаб ва республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги қарорига тааллуқли 3-иловани эслатиб, вилоят савдо бошқармаси бошлиғи И. Холтўраевдан изоҳ сўрадим:

— Тушунмовчиликлар бўлгани рост, — дейди у. — Улгуржи ва чакана нарх ўртасидаги фарқ пулини бюджет ҳисобидан қоплаймиз. Жойлардаги идораларимизнинг раҳбарлари бунга шубҳа қилмасликларини истардим.

Биз эса шу истакнинг тезроқ амалга ошиши тарафдори бўлиб қоламиз. Айни пайтда яна бир гапни илова қилиб ўтмоқчимиз. Февраль ойининг ўрталарида вилоят ижроия қўмитасида бўлган йиғилишда аҳолига белгиланган ўлчам (норма) бўйича етказиб берилиши лозим бўлган товарларнинг тақсимланиши тартиблари қўпол равишда бузилаётгани муҳокама этилди. Муҳокамада қатор кундалик зарур товарлар бир районга кўп, бошқа районга кам тақсимланаётгани, ҳатто, бир савдо ташкилотига қарашли дўконларнинг ўзига мол тақсимлашда арра тўғри тортилмаётгани жиддий эътирозларга сабаб бўлаётгани айтилди. Масалан, Жарқўрғондаги улгуржи савдо базаси жамоасининг эътиборсизлиги билан Ленин йўли район аҳолисига дон маҳсулотлари, шакар, чой, гўшт, макарон, газлама, калиш энг кам тақсимланган. Жумладан, ўтган йилнинг декабрь ойидан буён шу кунга қадар бирон килограмм ўсимлик ёғи олинмаган. Январь ойида бир бўлак ҳам совун етказиб берилмади. Шакар, чой таъминоти ўлда-жўлда. Тақсимотдаги бу ғирромликлар эса одамларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ёки вилоят хўжалик моллари савдоси (раҳбари М. Қурбонов) ёш оилалар учун ажратиладиган жиҳозлар билан Термиз шаҳар саноат моллари савдосини таъминлашда жиддий камчиликларга йўл қўймоқда.

Айтмоқчимизки, уч соат давом этган ўша йиғилишда жуда кўп рақамлар, фактлар, далиллар келтирилди. Лекин камчиликлар кимларнинг айби билан содир этиляпти, ишни яхшилаш учун қандай йўналишда ҳаракат қилмоқ керак — бу ҳақдаги фикрлар умумий тарзда айтиб ўтилди, холос. Умумий гапларнинг нархи неча пулга чақилиши эса... ҳаммага аён.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Саломатлик~туман бойлик

Андижон районидаги Ленин номли давлат хўжалиги ҳудудидаги Орол қишлоғида янги амбулатория фойдаланишга топширилди. У бу ерда истиқомат қилувчи 4 минг аҳолига хизмат кўрсатади.

Амбулаторияда 15 та турли хона мавжуд. Уларда тажрибали уч шифокор ва 18 нафар медицина ҳамшираси ишламоқда. Уларнинг ҳаммаси ўқишни муваффақиятли тугаллаб, қадрдон қишлоқларига қайтишган.

Суратларда: болалар шифокори Орифжон Маматхўжаев кичкинтойни қабул қилмоқда. Ўнгда эса амбулаториянинг умумий кўриниши.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар. (ЎзА).

• ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ •

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Ҳали тарихнинг ўқилмаган саҳифалари кўп. 1931 йилнинг ёз ойлари эди. Жамоа хўжаликлари тузиш қизғин тус олганди. Ишбилармон, ақл-заковатли, бели бақувват одамлар жамоа хўжаликларига киришни истамадилар. Шундай кишилар шаънига «қулоқ» деб қора тамға босилди. Шўро ҳукуматига қарши чиққанликда айбланиб, ўз юртидан олис Украинага ўн йил муддатга мажбурий ишга бадарға қилинди. Улар орасида Андижон вилоятидан ҳам кўп кишилар бор эди. Муҳаммадимин Исмоилов, Нишонбой Турсунов, Содиқ Охунов ва бошқалар. Ҳикоямиз ноҳақ қатағон қилинганлардан бири Муҳаммадимин ИСМОИЛОВлар оиласининг оғир қисмати ҳақида.

Маҳаммадимин Исмоилов ўзининг поклиги, ростгўйлиги билан Андижон шаҳрининг Эскилик маҳалласида танилган катта мулкдор эди. У ўз ҳисобидан Эскилик мачитининг кичик хонақасини қурдирган. Динга мойил одам бўлгани учун мол-мулки мусодара қилиниб, оиласи билан Украинага кўчирилган. Ўша йили Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистондан ўн мингдан ортиқ киши Украинага мажбурий ишга юборилганди. Маҳаммадимин турмуш ўртоғи Бибиҳожар Содиқ қизи ва беш ёшли ўғли Каримжон билан Херсон вилоятининг Голая Пристань районидаги Михайловка қишлоғига жойлашди. Эскиликда катта ўғли Мирзамаҳмуд билан Бибиотика исмли қизи қолди. Тақдир оилани иккига бўлиб қўйди.

Маҳаммадимин оиласига томи похол билан ёпилган пастаккина уй тегди. «Янги» қулба эски шолча, уч-тўртта кўрпа-тўшак билан жиҳозланганди. Егани озиқ-овқат, кийгани устибош йўқ эди. Фожиали шароитда яшашга тўғри келди. Бунинг устига қатағон қилинганларга сиёсий ҳуқуқдан маҳрум этилган маҳбусларга қарагандек совуқ муносабатда бўлишарди. Биринчи қишдан чиқиш жуда қийин бўлди. Совуқдан, очликдан юзлаб ўзбеклар қирилиб кетди.

Михайловка қишлоғида асосан пахта етиштириларди. Суғориш шоҳобчалари бўлмасди, ёмғир суви билан ғўза ўстириларди. Куз эрта бошланганлиги сабабли кўсаклар очилмай қолар, пахта ҳосилдорлиги ўн саккиз центнердан ошмасди. Умуман, украинлар пахта етиштиришни билишмасди. Ғўза ягана, чеканка қилинмасди. Ўзбеклар уларга пахтачилик илмини, маданиятини ўргата бошладилар.

Ўттиз учинчи йили Украинада очарчилик бошланди. Зўрға кун кўраётган «қулоқ»лар қирилиб, юзлаб, минглаб болалар етим қолдилар. Херсон шаҳри яқинида ота-онасиз гўдаклар учун махсус болалар уйи очилди. Маҳаммадимин оиласи очарчилик азобини бошдан кечираётган оғир кунларда унинг Эскиликда қариндошлар қўлида қолган ўғли Мирзамаҳмуд ва қизи Бибиотика Андижондан Херсонга борди ва ота-онаси билан бирга яшай бошлади. Шу орада бадарға қилинган энг билимдон зиёлилар, ҳунармандлар, диндорлар номоз ўқиганликда, фарзандларининг қўлларини «ҳалоллаганликда» айбланиб бирин-кетин қамоққа олиндилар. Уларнинг аксарияти қамоқхоналардан қайтмадилар.

Омон қолган «қулоқ»лар қийинчиликларга чидаб астойдил меҳнат қилдилар. Пахтадан юқори ҳосил олиб, украинларнинг ҳурматини қозондилар. 1936 йилда Москвада ўтказилган пахтакорларнинг қурултойида ноҳақ қувғин қилинган ўзбеклардан ҳам вакиллар қатнашдилар. Файзи Худойқулова деган аёл Ленин ордени билан мукофотланди. Унга оқланган уй совға қилишди. Бу ўзбек пахтакорларининг бегона юртда эришган жуда катта ғалабаси эди. Файзи Худойқулова юртдошларига зиёфат берди. Маросимга келган оқсоқоллар пешин номозини ўқишга тўпландилар. Бу маросим жуда қимматга тушди. Уйнинг қибла томонига Сталиннинг сурати қўйилган эди. Номоз ўқилаётган пайтда Сталиннинг юзи тўсиб қўйилганди. Шу баҳона билан бир гуруҳ номозхонлар қамоққа олинди ва домдараксиз йўқотиб юборилди...

Бу мисолни бекорга айтмадим. Юртидан қувилган кишиларнинг ҳаёти қил устида эди. Уларни қилдан қийиқ топиб ҳўрлашарди. Жабрзулм тинкасини қуритган Маҳаммадимин ва унинг умр йўлдоши Бибиҳожар Содиқ қизи бирин-кетин ҳаётдан кўз юмдилар.

Урушнинг боши эди. Юқоридан буйруқ келди: «Ўрта Осиё жумҳуриятларидан 1931 йилда мажбурий ишга келтирилганларни оқлаб, оммавий равишда ўз юртларига қайтарилсин. Ноҳақ жабрланганларнинг қувончлари чексиз. Улар оқланиб она юртга парвоз қилишга шайлана бошладилар. Лекин бу хурсандчилик узоққа бормади. Қутилмаганда юқоридан иккинчи буйруқ олинди.

«Улуғ Ватан уруши бошлангани ва Ғарбий фронтдаги вазият оғирлашганлиги сабабли жўнатиш тўхтатилиб, ҳарбий хизматга яроқли ҳамма эркаклар фронтга сафарбар қилинсин».

— Шундан кейин 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар фронт орқасига — Қарағанда кўмир саноати марказига жилдирилди. 1942 йили Мирзамаҳмуд ҳарбий хизматга чақирилди.

— Акамни кузатгач, онам билан мен Украинада, немислар вақтинча қуршаб олган жойда қолиб кетдик, дейди Карим ота Иминов чуқур хўрсиниб.

Урушдан сўнг «қулоқ» қилинган ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар ўз юртларига қайтарилди. Лекин уларга нимагадир оқланганлик тўғрисида расмий ҳужжат берилмади. Биринчи буйруққа асосан оқландик, деб тушундик. Ота-онамдан, акамдан ажралган ҳолда жонажон Андижонимга қайтиб келдим. Меҳрибон ота-онамнинг ҳоки олис Украинада қолгани мен учун оғир жудолик бўлди. Улар ўз тақдирларидан, адолатсизликдан юм-юм йиғлаб ҳаётдан кўз юмдилар. Акамнинг ном-нишонсиз йўқолиши дард устига чипқон бўлди.

Каримжон Иминовнинг назарида акаси Мирзамаҳмуд тирик эди. Шунинг учун у ҳар куни поезднинг келишини кутарди. Кунларнинг бирида у вокзалда ярадор аскарни вагондан суяб тушираётганларини кўриб севинчдан юраги ҳаприқиб кетди. Улар олдига югуриб борди, акаси эмас экан. У Мирзамаҳмуд билан фронтга бирга жўнаган Мухторжон Саломов эди.

— Мен дўстингиз Мирзамаҳмуд Иминовнинг укаси Каримжонман. Акажоним қани, уни кўрдингизми?

— Уни охирги марта Курскда, жанг майдонида оғир яраланган ҳолда кўр ганман, — деди жангчи йигит, — биз ҳужумга кетаётгандик. У тирик эди.

— Акам тирик, акам тирик экан, — дея ҳайқирди Каримжон.

Эртасига Каримжон акасининг дўсти Мухторжон Саломовдан хабар олгани борди. Минг афсус, у оламдан ўтган эди, алам ўтида ёнган Каримжон Қарағандага жўнади. Ҳарбий комиссариатдан акасини сўраб-суриштирди. Жанггоҳларда ўлганлар рўйхатида ҳам, фронтдан майиб-мажруҳ бўлиб қайтганлар рўйхатида ҳам Мирзамаҳмуд Иминов деган ном йўқ эди.

Иминов умидсизланмади. Москвага, мудофаа вазирлигига хатлар ёзди. Мирзамаҳмуд Иминовнинг ўлгани ҳақида ҳам, тириклиги ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ, деган жавоблар олди. Барибир Каримжон акасини кутди, эллик йил кутди, йўлига кўз тикди.

Ниҳоят, Каримжон Иминов акам ҳалок бўлган экан-да, деган тўхтамга келиб, унга аза очди. Бутун Эскиликка ош берди. Зиммасидаги қиёмат қарзни узди. Маъракага Хўжаободдан, Пахтаобод, Хакандан қариндош-уруғлар, отаси Маҳаммадимин билан Украинага ноҳақ сургун қилиниб, не-не азоб-уқубатларни бошдан кечириб, Андижонга эсон-омон қайтиб келган кишилар ташриф буюрдилар. Улар ўша оғир йилларни эсладилар, Маҳаммадимин ота, Бибиҳожар ая ва уларнинг тўнғич фарзанди Мирзамаҳмуд Иминовни ёдга олдилар.

Каримжон Иминов ҳар баҳор Херсонга бориб, ота-онаси қабрини зиёрат қилганда шундай дейди: «Мен келдим отажон, онажон. Тинч ётибсизларми? Сизларни соғиндим. Доим йўқлаб тураман. Ўн бир фарзандим, йигирма етти неварамнинг ҳаммаси эслашади, билиб қўйинглар, тўққиз неварангиз ўрта мактабни олтин, бир неварангиз кумуш медаль билан битирди. Бугун улар олий маълумотли, савдо ходими, шифокор, иқтисодчи, аспирант... Яхши жойларда ишлашади. Келинингиз Сурмахон неваларингиздан беш нафарини уйли-жойли қилгач, эллик уч ёшида оламдан ўтди. Кейин Муҳаббат исмли аёлга уйландим. Инсофли, диёнатли аёл. Неваларингизни ўз бағрига олди, уларнинг тўйларига бошчилик қилди. Ҳозир ўн қудамиз бор. Ҳаммаси аҳил...

Эртами, кечми Андижонга олиб кетаман, отажон, албатта олиб кетаман, онажон. Хотиржам бўлинглар. Ана ўшанда бафуржа ўтириб, ўтмишимизни гаплашамиз. Сизлар менга, невараларингиз Саломжонга, Тоҳиржонга, Маҳбубахон, Замирахон, Азимжон, Алишер, Лолахон, Одилжон, Фаридахон, Зулфияхон, Эркинжонга узоқ умр, тинчлик, омонлик тилайсизлар. Биз эса қабрларингизга пешонамизни қўйиб сизларга таъзим қиламиз, руҳларингизни шод этамиз. Ўшанда сизларни киндик қонингиз тўкилган Эскиликка келтириб олганимдан суюнаман, кўнглим таскин топади. Ҳозирча хайр. Яна келаман отажон, онажон».

Каримжон Иминов акасининг маъракасида яна шундай гапларни айтди:

— Андижон вилоят уйғур маданият маркази раиси Ҳасанохун Мусаев ва Эскилик маҳалласининг уламолари менга Украинага бориб, мусулмонлар қабристонидан отаонангиз қабридан хотира сифатида тупроқ олиб келинг. Эскилик маҳалласида рамзий қабристон барпо этамиз. Бу ерда ота-онангиз, акангизнинг ҳам рамзий қабри бўлади» дейишди. Бу менинг дилимдаги орзуим эди. Херсонга бориб ўша дафн этилган ўзбеклар қабристонидан тупроқ олиб келаман. 1992 йил хотира кунини Эскиликда яратиладиган рамзий қабристонда ўтказамиз. Бу — Украинага ноҳақ бадарға қилинган ҳамюртларимизга қўйилган ҳайкал бўлиб қолади.

— Бизнинг оиламиз ҳам Украинага қувғин қилинган эди, — деди маъракада сўзга чиққан Мадаминжон Йўлдошев, — Каримжон иккаламиз Украина мактабида бошланғич таълим олганмиз. Андижонда Украинага ноҳақ сургун қилинган кишиларнинг фарзандлари кўп. Жияним Қобилжон Абдуллаев Украинада туғилиб, Андижонда камол топди. Ҳозир у катта бир идоранинг бошлиғи. Нўъмонжон Йўлдошев, Бахтиёр Олимжонов, Нуриддин Ёқуббеков, Шарифжон Соҳибов, Абдунаби Раззоқов ва бошқалар ҳам сургун қийинчиликларига бардош бериб омон қолган фарзандларидир.

Андижон вилоятида бундайлар бармоқ билан санарли даражада қолишган. Қайта қуриш даврининг шарофати туфайли улар туҳматлардан, бўҳтонлардан фориғ бўлдилар, оқландилар. Оталар билан қатағон қилинган фарзандлар зиммасидан ҳам тавқилаънат тамғалари олиб ташланди. Шу йилнинг март ойида Тошкентда 1931 йилда Украинага мажбурий ишга юборилган оталар ва болаларнинг биринчи таъсис мажлиси бўлди, сиёсий қатағон қурбонларининг уюшмаси тузилди ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинди.

— Уюшманинг асосий вазифаси, қонунсиз қатағон қурбонларини қидириб топиш, уларнинг ҳуқуқини, қадр-қимматини ҳимоя қилишдан иборатдир, — деди Каримжон ота Иминов. — Биз уюшма ҳайъати аъзоси Собиржон Мўминовнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасида босилган «Қаердасиз тақдирдошлар?» сарлавҳали мақоласини ўқиб хурсанд бўлдик. Унга биз Андижондамиз, дея ҳайқиргимиз келди...

Эзгуликни ёдлаш, ўтмишнинг ибратли онларини эслаш, ҳаётдан кўз юмган яхши одамлар, ота-оналар, акаукаларни қўмсаш инсон қадриятининг энг муҳим томонидир. Каримжон Иминов ўтказган маросим марҳум отаонаси, уруш жанггоҳларида бедарак йўқолган акаси номларини мангуликка муҳрлаётгандек туюлди. Халқ учун, юрт учун қайғурган, бахтли кунлар учун ўзларини аямаган одамлар гарчи орамизда бўлмасаларда, хотиралари қалбларимизда мангу барҳаёт бўлади. Эскилик маҳалласи бор экан, унинг меҳроқибатли кишилари ота-боболар анъаналарини давом эттирар экан, Маҳаммадимин ота, Бибиҳожар ая, Мирзамаҳмуд ва бошқалар ҳам эскиликлар тилидан тушмайди, дилидан ўчмайди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СПОРТ

КУЧЛИЛАР САФИДА

● ГЕНУЯДА енгил атлетика бўйича ўтказилган Европа чемпионати якунланди. Қизғин ва муросасиз баҳсларда юқори натижалар қайд қилинди. Тошкентлик ғаниқли югурувчи Марина Шмонинанинг бу сафар омади юришмади. Ваҳолонки, у шу йил бошидан бери ўтказилган йирик мусобақаларда ғалаба қозониб, мухлисларни қувонтирган эди. Бу гал эса 400 метрли масофани 52,26 секундда босиб ўтиб, бешинчи ўринни олди.

ПЕШҚАДАМЛАР САРАЛАНМОҚДА

● ИСПАНИЯНИНГ Линарес шаҳрида шахмат бўйича халқаро турнир давом этмоқда. 6-тур ўйинларидан кейин Александр Белявский, Гарри Каспаров, Борис Гельфанд ва Артур Юсуповлар ҳисобида 3,5 тадан очко тўпланди. Афтидан турнир ғолиби аёа шу шахматчилар орасидан чиқадиганга ўхшайди.

ЎТГАНЛАРКИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» рўзномаси жамоаси рўзноманинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири О. Усановга синглиси **Зарифа УСАНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

BENJAMIN FRANKLIN FELLOWSHIP PROGRAM
OPPORTUNITIES FOR GRADUATE STUDY IN THE USA

The Government of the United States of America and the American Embassies announce the Benjamin Franklin Fellowship Program which will provide:

125 Fellowships, one-year or two-years in length, for graduate study and professional internships in the USA, some of which may lead to a degree or certificate from a U.S. institution; and

35 one-year, non-degree graduate study and professional training internships in the USA for those with a minimum if two years professional work experience in the field of specialization to which they are applying.

Fields:

Business Administration · Economics
Law · Public Administration

Competition for the Benjamin Franklin Fellowship Program is merit-based and open. Anyone meeting the criteria listed below is eligible to apply. Applicants must be citizens of Armenia, Azerbaijan, Belarus, Estonia, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Latvia, Lithuania, Moldova, The Russian Federation, Tajikistan, Turkmenistan, Ukraine and Uzbekistan. Applicants must:

Lack funding to study in the United States;

Be under the age of forty (40);

Hold an undergraduate degree (five-year program) with good academic standing;

Demonstrate proficiency in written and spoken English at the time of application;

Demonstrate professional aptitude and leadership potential in their field of specialization;

Have a minimum of two years of professional work experience if applying for the one-year professional training program;

Be able to begin studies in the United States in August 1992.

The Benjamin Franklin Fellowship Program does not discriminate on the basis of race color, sex, religion, national and ethnic origin, handicap or disability.

Support for the program is provided by the United States Information Agency.

The program is administered by:

American Council of Teachers of Russian/American Council for Collaboration in Education and Language Study (ACTR/ACCELS);

Institute of International Education (IIE);

International Research & Exchanges Board (IREX);

Soros Foundation.

Further information and instructions about how to obtain applications may be obtained in writing or by telephone from the addresses listed below. New contact offices will be opening soon in areas not represented below. Individuals from regions not listed should contact the closest center for information about obtaining applications.

Benjamin Franklin Fellowship Information Offices

CIS 117049 Moscow V-49
P.O. Box 1
Benjamin Franklin Fellowship Program

Benjamin Franklin Fellowship Program
Maiakovsky Library
Fontanka, 44
191025 St. Petersburg, Russia
Telephone: (812) 110-60-98

Benjamin Franklin Fellowship Program
Ulianovskaya Street
109189 Moscow, Russia
Telephone: (095) 297-49-28
Fax: (095) 297-49-28

Benjamin Franklin Fellowship Program
Mravian Street, 1, Room 31
375049 Yerevan, Armenia
Telephone: (8852) 55-06-11
Fax: (8852) 55-06-11

Benjamin Franklin Fellowship Program
Karl Liebknecht Street, 12, Room 301
252021 Kiev, Ukraine
Telephone: (095) 291-52-77
Fax: (095) 291-56-96

Benjamin Franklin Fellowship Program
31, Krisjana Barona Street
PDP 226709 Riga, Latvja
Telephone: (0132) 28-06-41
Fax: (0132) 27-37-87

Benjamin Franklin Fellowship Program
Dzhambul Street, 25, Room 101
480100 Alma-Ata, Kazakhstan
Telephone: (3272) 61-40-85
Fax: (3272) 63-12-07
(3272) 63-69-73

Benjamin Franklin Fellowship Program
Olevimagi, 12
200101 Tallinn, Estonia
Telephone: (0142) 60-18-95
Fax: (0142) 60-19-98

Benjamin Franklin Fellowship Program
Jaksto Street
2001 Vilnius, Lithuania
Telephone: (0122) 22-13-55
Fax: (0122) 22-14-19

Completed applications for the 1992 Benjamin Franklin Fellowship Program must be received by one of the offices by April 10, 1992. Early submission of applications is encouraged.

NOTE: Competition information for the 1993-94 Benjamin Franklin Fellowships will be available in fall, 1992.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
«САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
СОВЕТ – АМЕРИКА «МАДАНИЙ ТАШАББУС» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент~ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 45

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—23.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.